Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 14 (7. 956) ◆ 1992 йил 22 январь, чоршанба ◆ Нархи 50 тийин

Ислом КАРИМОВ:

«ИШЛАРИМНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРАМАН»

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги истиқлол республикалари нашрларининг вакиллари бўлган журналистлар билан учрашди. Президент ҳозирги босқичда Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда олиб бораётган сиёсатга батафсил тўхталди. Талабалар шаҳарчасида содир бўлган воқеаларга баҳо берилди.

Бу ғалаёнларни ўз-ўзидан келиб чиққан ғалаёнлар дейиш мумкин эмаслиги таъкидланди. Рўй берган воқеалар таҳлили, уларнинг бир маромда ривожланиши, бошқа рад этиб бўлмайдиган фактлар ана шу ифлос ишлар олдиндан тайёрланганидан далолат бериб турибди. Рўй берган воқеа кўп жиҳатдан Фарғона фожиасини эслатади. Турмушимиз, осойишталигимизни беқарорлаштиришга уринаётган кучларнинг демократик ўзгаришларга йўл бермаслик, халқ орасига ғулғула солиш, миллатлараро негизда тўқнашувларга олиб борадиган тартибсизликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётганликлари кўринмоқда. Ана шу ярамас ўйинда ҳис-туйғуларга тезда берилиб кетадиган, ҳали шаклланиб улгурмаган ижтимоий муҳитдан — ёш йигитлардан фойдаланилгани бундан ҳам аянчли бўлди.

Чунончи, митингда қатнашган кишилар аввалига нарх-навонинг эркинлаштирилиши ва оширилишини тўхтатиш талаб этилган шиорларни кўтариб олган эдилар. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай ҳукумат, Олий Кенгаш ва ҳатто республика Президенти истеъфога чиқиши талаб этилган сиёсий тусдаги шиорлар ҳам пайдо бўлди. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, кўчаларга чиққан йигитлар ана шу шиорлар нима мақсадда олиб чиқилганини ҳам тушунмаганлар. Ана шу йигитлар ортида ўз фикрларича аҳволни беқарорлаштириш учун қулай вазиятдан фойдаланишга интилган тажрибали «сиёсатдонлар» турганлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Бошқа нарса ҳам кишини хавотирга солади. Талабаларнинг кўп қаватли ётоқхоналарида олдиндан тошлар, металл таёқчалар тайёрлаб қўйилган эди. Президент шу муносабат билан ғалаёнларга пухта тайёргарлик кўрилгани тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтди. Маълумотларга қараганда, бу ғалаёнлар Янги йил арафасида, дастлабки умумхалқ Президент сайлови даврида бошланиши керак эди. Лекин ўшанда қора ниятли кишиларнинг режаси барбод бўлди, чунки Ўзбекистон фуқароларининг жуда кўпчилиги И. А. Каримов учун овоз берди. Собиқ Иттифоқнинг мустақил республикалари ҳамда кўпгина хорижий мамлакатлардан келган талайгина кузатувчилар ҳам сайлов вақтида барча демократик меъёрларга ва қоидаларга риоя этилганини тасдиқлашди. Гарчи оппозициядаги кучлар ўз ниятларини амалга ошириш учун уринган бўлсаларда И. А. Каримов сайловда ғалаба қозонди. Ўша кунлари миллион-миллион сўмлаб пуллар ўртага қўйилди. Лекин Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи ўзининг дадил сўзини айтди...

Шундай қилиб 16 январь ҳам бошланди. Юзаки қараганда талабалар гўё нонинг нархи жуда қимматлашиб кетганидан ғазаблана бошладилар. Аслида шундайми? Йўқ! Нархлар оширилишини ҳамма олдиндан билган, Россия, Қозоғистон, Қирғизистонда бир буханка нон неча пул туришидан яхши хабардор эдилар. Ўзбекистонда эса нонинг нархи ниҳоятда арзон белгиланган эди. Бу ғалаён ҳокимиятга интилаётганлар учунгина баҳона бўлди. Уларга шундай баҳона керак эди.

Ўзбекистон Президенти Талабалар шаҳарчасидаги воқеаларни таҳлил этар экан, ғалаёнларни уюштирган қора кучлар мустақил Ўзбекистоннинг обрўсига путур етказмоқчи бўлганликларига журналистлар эътиборини қаратди. Айни ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида мустақил республикамизни халқаро ҳамжамиятга қабул қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда. И. А. Каримов тўла ҳуқуқли аъзо сифатида республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлишдан, иқтисодиётни барқарорлаштиришдан, Ўзбекистоннинг демократия ва иқтисодий равнақ йўлидан олға боришидан, миллати ва динидан қатъи назар, республикамиздаги ҳар бир кишн учун муносиб турмуш шароити яратишдан ҳам кўра муҳимроқ вазифаси йўқ эканини алоҳида уқтирди

Фожиа рўй берди. Отаонаси уйида кўзи тўрт бўлиб кутаётган талаба йигит ҳалок бўлди. Хўш, отишга ким буйруқ берди? Бу саволга ҳукумат комиссияси жавоб беради. Милициянинг алоҳида отряди ўқ узганлиги сабабли талабалар қўлларига тош олишга мажбур бўлишди. «Бу отишмалар талабаларга эмас, балки республика мустақиллигига, халқ қонуний йўл билан сайлаган Президентга қарши қаратилган эди. Очиғини айтаман: улар жиддий зарба беришди — пойлаб туриб зарба уришди», деди И. А. Каримов.

Журналистларни Ўзбекистондаги ҳозирги вазиятни яқинда Грузияда рўй берган воқеаларга таққослаш мумкинми, деган савол қизиқтирарди. И. А. Каримов бу саволга жавоб берар экан, энг даҳшатлиси воқеалар назорат остидан чиқиб кетганда бошланишини таъкидлади. Ўзбекистон пойтахтида бундай бўлмади, бўлиши ҳам мумкин эмас. Айни вақтда доимо ҳушёр бўлиш, эҳтиросларни авж олдираётган сафсатабозларнинг ғиғогарлигига учмаслик керак. Бунга собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, бир қанча мустақил республикалар ҳукуматларининг ҳамма вақт ҳам ўйламай юргизаётган сиёсати, иқтисодиётдаги танг вазият кўмаклашмоқда. Лекин мустақил Ўзбекистон тарихидаги жуда оғир бу даврни бартараф этиш мумкин. Бунинг учун вақт, энг муҳими республикамиз шаҳарлари ва қишлоқларида осойишталик, фуқароларнинг қонуний сайланган ҳукуматга ишончи бўлиши керак.

Учрашув қатнашчиларини янги ижтимоий-сиёсий тузилма — Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг қай даражада лаёқатли экани тўғрисидаги масала ҳам қизиқтирарди.

Бу саволга жавоб берар экан, Ўзбекистон Президенти юзага келаётган вазиятни атрофлича таҳлил қилди. У ишлар ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқлилик асосида олиб борилган тақдирдагина Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги лаёқатли бўлишини таъкидлади. Бир қанча мустақил республикаларнинг раҳбарлари ўзларининг ҳукмронлик руҳидаги сиёсатларидан воз кечишлари керак. Бу, масалан, Қуролли Кучларга тегишлидир. Стратегик қўшинлар ягона бўлиши лозимлиги ҳаммамизга тушунарли. Лекин уни қандайдир бир республиканинг мудофаа вазири бошқармаслиги керак. Оддий қурол-яроғларга келганда собиқ СССР таркибига кирган мустақил давлатлар ўзларининг охирги сўзини айтиши керак. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таркибидаги республикалар раҳбарларининг февраль ойида Минскда бўладиган учрашуви кўпгина масалаларга узил-кесил жавоб берса керак.

Журналистлар Ўзбекистонда танглик ҳолатлари ўзининг энг юқори нуқтасига қачон кўтарилади, деган саволни ҳам бердилар. Улар аҳвол, биринчи навбатда иқтисодиётдаги аҳвол қачон барқарорлаша бошлайди, одамлар ижобий ўзгаришларни қачон сезишлари мумкин, деб сўрашди.

И. А. Каримов ўзи учун Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, республика ҳудудида яшаётган барча халқларга муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш асосий вазифа эканини яна бир марта таъкидлади. Касб-кори иқтисодчи бўлган И. А. Каримов август-сентябрь ойларидаёқ ижобий ўзгаришлар бўлади, ўшанда халқ республика тараққиётининг аниқ-равшан истиқболларини кўради, деган фикрни билдирди. Ана шу давргача хорижий мамлакатлар билан бир қанча муҳим шартномалар тузилиши, катта-катта қарзлар олиниши керак, ўшанда озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берила бошлайди, хорижий фирмалар билан тузилган қўшма корхоналар ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдира бошлайди. Шу вақтга келиб хом ашё бойликларини фойдали тарзда сотиш йўллари аниқлаб олинади, бунга Ўзбекистоннинг аъло сифатли олтини ҳам киради. Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ, ҳар томонлама ўйланган ҳаракат дастури бор. Ана шу дастурни амалга ошириш натижасида тўртбеш йил ичида Ўзбекистонни тангликдан қутқариш, уни ривожланган давлатга айлантириш мумкин. Бу фақат Президентнинг фикри эмас. Тошкентга ташриф буюрган кўпдан-кўп хорижий мутахассислар ҳам дастурга шундай баҳо беришди

Лекин бунга республикада ижтимоий-сиёсий аҳвол барқарор бўлган тақдирдагина эришиш мумкин. Аммо ижтимоий тангликни сақлаб қолишга, охир оқибатда миллатлараро тўқнашувларга айланиши мумкин бўлган ғалаён келтириб чиқариш учун хийла-найрангларни ишга солишга интилаётган кучлар бор. «Мен мафияга, чайқовчиликка, яширин иқтисодиётга қарши курашаман, деб қасам ичганман. Тўғри, бу кўпчиликка ёқмайди. Менинг хатти-ҳаракатларим уларнинг тинчи, оромини бузмоқда. Лекин мен ўз ишларимни изчил давом эттираман, — деди И. А. Каримов. — Мен сиздан фақат битта нарсани илтимос қиламан: хотиржам ишлашга имконият беринг, халқимизга бошбошдоқлик ва тўс-тўполонлардан чиқишнинг янги дастурини тақдим этиш учун менга вақт беринг!».

И. А. Каримов журналистларнинг республика сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларига тегишли бошқа саволларига ҳам жавоб қайтарди.

Л. ЛЕВИН,
С. ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ мухбирлари.

Республика модалар уйида ишлаётган Наталья Истамова касбига меҳр қўйганлардан. Олтиничи разрядли бу чевар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳар доим аъло сифати билан ажралиб туради.

СУРАТДА: Н. Истамова.

Тўлкин Каримов сурати.

ЯНГИ ЛИНИЯ ЎРНАТИЛДИ

«Средазэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги бош корхонасида кучли гальваник линия ўрнатилди. У деталларга хал бериш да ишлатилади. Бу линия ҳозир синовга тайёр қилиб қўйилди. Швециядаги «Гальвоур» фирмаси билан «Средазэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари бу линияни биргаликда ўрнатдилар.

Хўш, янги линия «Средазэлектроа п п а р а т»га нималар беради?

Биринчидан, шу вақтгача бўлганидек, зарарли моддалар қўлланилмай, экология жиҳатидан соф ишлаб чиқариш вужудга келтирилади.

Иккинчидан, меҳнат шароитлари жаҳон андозалари даражасига кўтарилади.

Учинчидан, буюмларнинг сифати жуда яхши бўлади.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «1992 йилда республика деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш чоралари тўғрисида» ҳамда «Давлат деҳқончилик корхоналарига молиявий ёрдам бериш ва уларнинг хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

● Тошкент вилояти маҳаллий ҳокимият идоралари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида олий ўқув юртларида таълим олаётган 20 минг нафар талабанинг ҳар бирига бир йўла 150 сўмдан, жами 3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатдилар.

● Республика Ички ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, 21 январда Тошкентга келаётган 23-поездда ушланган икки йўловчи юки орасидан пилтаси бўлган 98 та РГД—5 жанговар гранатаси, 1280 дона ўқ, 2 та тутун шашкаси ва қора дорилар топилган.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Украина шахталарида фавқулодда ҳолат юзага келди. Бу республика раҳбарларининг айтишларича, Россия Украинага 8,5 миллион куб метр ёғоч етказиб бериш юзасидан аввал тузилган шартномани бажармаяпти. Ёғоч йўқлиги сабабли кўпгина шахталарда яқин кунларда ҳамма ишлар тўхтатилиши мумкин.

● Санкт-Петербургда кейинги кунларда давлат дўконларида мол гўшти нархининг бир килограмми 70 сўмдан 120 сўмга, картошка 6 сўмдан 15 сўмга, пишлоқ 9 сўмдан 140 сўмга, тухумнинг 10 донаси эса 12 сўмга етди.

● Россия телевидениесининг «Вести» ахборот эшиттиришида Владимир Ильич Ленининг жасади 20 январдан 21 январга ўтар кечаси Кремлдаги мақбарадан олиб чиқилиб, Санкт-Петербург шаҳрига олиб борилиши ва у ерда онаси қабри ёнига кўмилиши кутиляпти, деб хабар берилгандан сўнг Москванинг Қизил майдони ана шу тунда одамларга тўлиб кетди. Аммо кейинчалик бу хабар ғирт ёлғон эканлиги маълум бўлди. Ушбу хабар бўҳтон эканлигини Кремль коменданти Михаил Барсуков ҳам тасдиқлади.

ХОРИЖДА

● Куба Қирғизистон ва Тожикистон билан беш йил муддатга савдо-иқтисодий шартнома имзолади.

● Афғонистон Президенти Нажибулла ўз вақтида бу мамлакатга киритилган совет қўшинларини «душман кучлари», деб атади.

● Америка Қўшма Штатлари маъмурлари собиқ Совет Иттифоқи аҳолисига 165 миллион доллар миқдорда текин ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

● Франция «Эр-энтер» авиакомпаниясининг Лион — Страсбург маршрути бўйича учаётган А-320 аэробуси кўнишга беш дақиқа қолганда фалокатга учради. Дастлабки маълумотларга кўра самолётда бўлган 96 кишидан фақатгина 9 киши тирик қолган.

● Аргентина ҳозирги пайтда Болтиқ бўйи давлатларида истиқомат қилаётган ва хорижга кўчиб бориш истаги бўлган юз минг нафарга яқин русларни қабул қилишга тайёр. Мамлакат ташқи ишлар вазири Гидо Ди Телла шуни маълум қилди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассисларининг фикрига кўра, 2000 йилга бориб ер шарида СПИД ўлатига дучор бўлган кишилар сони 20 миллион нафарга етиши мумкин.

Бугунги кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЭРКИН НАРХЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЛАБАЛАР, ЎҚУВЧИ ЁШЛАР, ЎЗГАЛАРНИНГ ҚАРАМОҒИГА МУҲТОЖ БЎЛГАН ЁЛҒИЗ ПЕНСИОНЕРЛАР ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва талабалар, ўқувчи ёшлар ҳамда меҳнаткашларнинг умумий овқатланиши тизимида нархларни барқарорлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан талабалар ва ўқувчи ёшлар учун имтиёзли умумий овқатланишни жорий этиш ҳақида» 1991 йил 4 апрелдаги 87-сон қарорига мувофиқ олий ўқув юртларининг кундузи ўқийдиган талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва давлат таъминотида бўлмаган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, шунингдек, юқорида кўрсатилган ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг бир марталик овқатланиш қийматини қоплашга бериладиган компенсациялар миқдори 5 сўмгача кўпайтирилсин, барча талабалар ва ўқувчиларга, ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш ходимлари таркибига компенсациялар стипендия ва иш ҳақи билан бирга тўланиши белгилаб қўйилсин

2. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин ва бунда нонуштанинг қийматн бир ўқувчи ҳисобига бир кунда 40 тийиндан 1 сўм 60 тийингача, яъни 4 баравар кўпайтирилсин.

3. Талабалар ҳамда мактаб ошхоналари ва буфетларида бир талаба ва ўқувчига бериладиган тушки овқат қийматидан воситачи ҳамда тижорат дўконларида моллар сотишдан бериладиган ажратмалар маблағи ҳисобидан 50 фоиз миқдорида чегирма белгилансин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар, идоралар ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари талабалар ва ўқувчи ёшларнинг умумий овқатланишини ташкил этиш, мактаб ва талабалар ошхоналари ҳамда буфетларида бепул нонушталар ва имтиёзли овқатланиш билан таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

5. Ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларга амалдаги имтиёзлар сақлаб қолиниб, улар уй-жой ва коммунал хизматлар, жамоат транспортидан фойдаланишга (таксидан ташқари) тўланадиган ҳақдан озод қилинсин, нормаланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва врач рецептлари бўйича дори-дармонлар билан бепул таъминдансин.

Ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож ёлғиз пенсионерларни нормада кўрсатилгандек таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 28 майдаги 145-сон қарори билан тасдиқланган кундалик зарур товарлар рўйхатига чекланган нархи (ўртача) 30 сўм ҳисобидан ойига минимал нормадаги 1 килограмм гўшт бепул берилсин, деган қўшимча киритилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг ошхона ва буфетларида тушки овқатлар қийматининг 50 фоизи, лекин ҳар бир кишига кунига 5 сўмдан ошмаган ҳолда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

Бюджетдан маблағ оладиган вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар:

овқатланиш қийматининг ҳақини тўлаш бўйича махсус жамғарма ташкил этсинлар, уни харажатлар сметасида алоҳида сатр билан ажратиб кўрсатсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур жамғармаларни тузиш манбаларини белгилаб чиқсинлар, бунда тасдиқланган харажатлар сметасига ўзгартишлар киритишни назарда тутсинлар.

7. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхона ва буфетларида имтиёзли овқатланишни ташкил этиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили эканлигини ҳисобга олиб, вазирликлар, идоралар, хўжалик ҳисобидаги концернлар, уюшмалар, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга ишлаб чиқариш корхоналарининг ошхоналари ва буфетларида ишчи ҳамда хизматчилар овқати қийматининг камида 50 фоизини қоплашга рухсат этилсин, бу харажатлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилсин.

8. Тасарруфида ошхона ва буфет шохобчалари бўлган вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлари раҳбарларининг зиммасига умумий овқатланишни тегишлича ташкил этиш учун, таомларнинг сифати ҳамда уларнинг нархи асосланган бўлиши, суиистеъмол ва талон-тарож қилиш ҳолларига йўл қўймаслик учун шахсан жавобгарлик юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, савдо шохобчаларига эга бўлган вазирликлар, идоралар, концернлар, корхоналар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари ишлаб чиқариш корхоналарининг, талабалар ҳамда мактаб ошхоналари ва буфетларига чекланган нархларда ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқатлар узлуксиз етказиб берилишини таъминласинлар,

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, «Узплодоовошвинпром» концерни, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа деҳқончилик хўжалиги ташкилотлари томонидан эркин сотиш учун ўзларида қоладиган чорвачилик маҳсулотининг 15 фоизи ва мева-сабзавот маҳсулотининг 50 фоизи ҳисобидан қишлоқлардаги умумтаълим мактабларига пастроқ нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари ажратишни ташкил этсинлар.

11. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари билан биргаликда ёлғиз ва кам таъминланган пенсионерлар, ногиронлар учун арзон нархларда ёки бепул иссиқ овқат ташкил этиш тавсия қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон, Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий бошқарув органлари билан биргаликда мазкур қарор билан белгиланган ҳамда талабаларни, ўқувчи ёшларни, ёлғиз пенсионерларни ва меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплаш учун зарур маблағларни ажратиб топсин;

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида уч кун муддат ичида ўзгартишлар киритсин ҳамда мактаб ва талабалар ошхоналари ва буфетларида ўқувчилар билан талабаларнинг бепул ҳамда имтиёзли овқатланишини қоплаш тартибини ва чекланган нарх белгиланган айрим озиқ-овқат турларининг нархларидаги фарқни қоплаш тўғрисидаги вақтинчалик Низомни тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддат ичида амалдаги қонун ҳамда норматив ҳужжатларни тўлдириш ва ўзгартириш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Эркин нархларни белгилаш чоралари тўғрисида» 1992 йил 9 январдаги 4-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси, оммавий ахборот воситалари корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг меҳнаткашлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг умумий овқатланишини ташкил этишдаги, эркин нархлар жорий этилган шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча чораларни амалга ошириш соҳасидаги ижобий тажрибаларини кенг ёритиб борсинлар.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Раисининг тегишли ўринбосарларига юклатилсин.

Ушбу қарор эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Мутасаддилар фикрича

ЧЕКЛАНГАН НАРХЛАРНИ ОШИРИШГА ҲЕЧ КИМНИНГ ҲАҚҚИ ЙЎҚ

Тошкент шаҳар Савдо бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Собит Имомов нонга ўрнатилган нархлар тўғрисида муштарийларимиздан тушаётган саволларни шундай шарҳлайди:

— Бошқармамизга ҳам нон нарх-наволари бўйича тез-тез саволлар билан мурожаат қилиб туришибди. Республикамиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган нонинг бидаги нархи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа давлатлардагига қараганда анча арзонлигини таъкидламоқчиман. Нон учун чакана нархларнинг чекланган миқдорлари республиканинг бутун ҳудуди учун мажбурийдир. Бироқ бозордаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ўзгариши мумкин бўлган, эркин — шартнома нархлари асосида сотиладиган нон маҳсулотлари ҳам бор. Буни турли қўшимчалар қўшилган нон маҳсулотлари, шу жумладан патир нонлар ҳам турли дўконларда турлича нархларда сотилаётганлигидан тошкентликлар ажабланмасликлари учун алоҳида уқтирмоқчиман. Чунки бугунги кунда савдо ташкилотларига маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқи берилган. Лекин бу фақатгина қўшимчалар қўшилган нон маҳсулотларига тааллуқли эканлигини такрорламоқчиман. Дўконлар харид қилинган маҳсулот нархига фақат 20 фоиз миқдорида устама қўя оладилар. Бизнинг бошқармамиз бу фоизни ҳам иложи борича камайтириш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Ўрни келганда ҳозир «Ташхлебпром» корхоналари нон маҳсулотлари ишлаб чиқарушдан зарар кўраётганликларини айтиш ҳам керак. Улар учун бу мажбурийдир. Чунки нон маҳсулотлари чакана нархларининг чекланган миқдорларини оширишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат нарх комитети томонидан 1992 йил 9 январда тасдиқланган 001—04-сонли прейскурантга мувофиқ нон маҳсулотлари чакана нархларининг чекланган миқдорлари қуйидагича белгиланган: қолипда пиширилган қора нон (830 грамм) — 40 тийин, 920 грамм — 45 тийин, 1 килограмм — 50 тийин. Москва қора нонининг 500 грамм — 25 тийин, 1 килограмм — 50 тийин. Жавдари нонининг 1 килограмм — 45 тийин.

Бородин нони (910 грамм) — 65 тийин, 1 килограмм—70 тийин, 500 грамм — 40 тийин, 780 грамм— 50 тийин. Дарница нони (900 грамм) — 70 тийин. Пойтахт нони (850 грамм) — 70 тийин.

Бўғдой унидан тайёрланган нон маҳсулотлари:

қишлоқ нони (2-нав, 900 грамм) — 65 тийин, «Жанубий» нони (800 грамм) — 80 тийин, оқ нон (870 грамм) — 1 сўм, 750 грамм — 90 тийин, 610 грамм—70 тийин. Бўғдой нони (олий нав) — 1 сўм 10 тийин, оқ нон (олий нав) — 750 грамм — 1 сўм 30 тийин, 700 грамм — 1 сўм 20 тийин, 900 грамм — 1 сўм 60 тийин, 1125 грамм — 1 сўм 90 тийин.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Пайдо бўлаётган муаммоларни теезкорлик билан ҳал этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар Савдо бош бошқармасининг штаби тузилди. Штаб ранси қилиб шаҳар Савдо бош бошқармасининг биринчи ўринбосари С. Х. Имомов (тел. 33-13-23), ранс ўринбосари қилиб бошқарма бошлиғининг ўринбосари В. В. Шефер (тел. 32-78-00), штаб аъзолари қилиб Р. У. Ҳамидбеков (тел. 33-68-83) ва С. М. Мақсудов (тел. 32-72-61) тайинландилар.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, ҲАР БИР ДЎКОН МАЪМУРИЯТИ харидор талабига кўра молнинг фактурасини кўрсатишга, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари накладнойларида кўрсатилган нархларда сотилаётганлигини тасдиқлаши МАЖБУРДИР.

Рўзномамизнинг кейинги сонларида сариёғ, сут маҳсулотлари, вино ва арақ учун ўрнатилган чакана нархларнинг чеклаган миқдорлари эълон қилинади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойидан буён ўтган вақт мобайнида қуйи ташкилотларда янги партия сафларини мустаҳкамлаш, ташкилий иш услубларини шакллантириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий тангликларни ҳал эта бориш, шунингдек, турмушни демократия, тенглик ва ижтимоий адолат қондалари асосида барпо этиш жараёнида қандай тадбирлар амалга оширилди? Ўзбекистон Халқ демократик партияси район ва ҳududий ташкилотлари кенгашларининг фаолиятини янада жонлантириш учун нималар қилинмоқда? Мухбиримизнинг Ўзбекистон ХДПси Чилонзор район ташкилоти кенгашининг биринчи котиби Эргаш Рафиқжонович Самиғжонов, шу райондаги 4,5- ва 8-ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари кенгашларининг котиблари Ольга Викторовна Розенберг, Рауф Муродович Ҳожибоев ҳамда Ёқубжон Мамараззоқович Содиқовлар билан бўлган давра суҳбатида юқоридаги саволларга жавоб олишга ҳаракат қилиди.

Э. Р. САМИҒЖОНОВ:—Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай сиёсий партия сингари Ўзбекистон ХДПси ҳам ўз аъзоларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи сиёсий ташкилотдир. Унинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашдан иборат. Биз бу мақсадларни Ўзбекистон ХДПси Дастури ва Низоми лойиҳалари вақтли матбуотда эълон қилинган кундан бошлабоқ фуқаролар онгига сингдиришга интилдик. У пайтларда районда тузилган ҳудудий муваққат ташкилий комитет аъзоси эдим. Аҳоли орасида тинмай иш олиб борганлигимиз туфайли Ўзбекистон ХДПси район ташкилотининг таъсис анжуманига етарли миқдорда делегатлар сайланди.

Таъсис анжуманимизда делегатлар менга катта ишонч билдиришди. Ўзбекистон ХДПси район ташкилоти кенгаши котиблари ва унинг ижроия бюроси (11 киши) аъзолари ваколатга эга бўлгач, ташкилий сиёсий ишларни аввалгига нисбатан янада кучайтирдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Низомига биноан районда 8 жойда ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари тузилди ва уларнинг таъсис мажлисларида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари кенгашларининг котиблари ҳамда ижроия бюро аъзолари сайландилар. Биз, ҳудудий бошланғич партия ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларига сайлов ўтказган сайлов ҳудудларини асос қилиб олдик. Партиямиз парламент типидаги партия бўлгач, шундай иш тутишга қарор қилдик.

Партия ташкилотларимиз кенгаши ва унинг ижроия бюроси аъзолари Ўзбекистон ХДПси сафларини мустаҳкамлаш учун демократия анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, ватанимиз ҳамда жаҳон тафаккурининг ютуқларига асосланиб, меҳнат аҳлини, уларнинг ижтимоий аҳволидан, насл-насаби, миллати ва динидан эътиқодидан қатъи назар манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилмоқдалар. Шу туфайли қисқа муддатда районда Ўзбекистон ХДПси аъзолари сафи 2300 нафардан ошди. Уларнинг 445 нафари партияга илк бор аъзо бўлиб кирган бўлсалар, қолганлари қайта рўйхатдан ўтган коммунистлардан иборат.

О. В. РОЗЕНБЕРГ: — Мени кечирасиз Эргаш Рафиқжонович, шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашимиз керак. Биз, сафларимиз тезроқ ўссин дея, Ўзбекистон ХДПсига ҳар кимни ҳам қабул қилавермаяпмиз. Маҳалла аҳлига ва меҳнат жамоаларига танилган, ибратли фаолияти ҳамда жамоатчилиги билан обрў орттирган, илғор фикрли кишиларнинггина аризаларини инобатга олаяпмиз. Мажлисларимиз муҳокамасидан ўтган кишилар янги партиямиз сафига кирмоқдалар. Партияга қабул жараёнида биз КПСС йўл қўйган хатоларни такрорламоқчи эмасмиз.

ХДП: иш услуби шаклланмоқда

СОБИТҚАДАМЛИК БИЛАН

Ҳудудий партия ташкилотимизга ҳозирча учта бошланғич партия ташкилоти бирлашган. Улар ўз сафларида 1 ва 2-мавзе, «Катта Қозиробод» маҳалласи ҳамда 39 та саноат, қурилиш корхоналари, турли ташкилот ҳамда муассасалардаги 328 нафар Ўзбекистон ХДПси аъзоларини бирлаштириб турибдилар. Шундан 90 нафари партияга илк бор аъзо бўлган кишилардир. Партиямиз раиси ўртоқ И. А. Каримов таъкидлаганидек, дастурий мақсадларимизга қўшилсалар ҳам ҳозирча янги партияга аъзо бўлиб кирмаган кишилар орасида хайрихоҳлар гуруҳларини тузганмиз. Ҳудудимизда илгари 1040 нафар КПСС аъзоси бўлган. Шундан 238 нафари партиямиз сафига қайта рўйхатдан ўтиб кирди. Қолганларининг аксарияти хайриҳоҳ. Ана шулар орасида тузилган гуруҳлар иш олиб бораяпти. Александра Трофимовна Ковицкая, Анвар Шаропов, Жамолиддин Асомов сингари бошланғич партия ташкилотларимизнинг котиблари мазкур гуруҳлар фаолиятидан огоҳ бўлиб турибдилар.

Партия ташкилотларимиз ўз иш услубларини шакллантиришда кўпроқ ишлаб чиқаришдаги фаол аъзоларга таянади. Ҳозирданоқ фаолларимиз кўпайиб қолди. Айниқса нафақахўр Леонид Андреевич Слипишев тиним билмайди. Ирина Димитревна Кондратьева ҳам ундан қолишмайди. Улар аъзолик бадалларини йиғиш, аҳолини Ўзбекистон ХДПси Дастури ва Низоми билан таништиришдан эринмайдилар. Шундай фаолларимизнинг кўмаги туфайли партия-ташкилотларимиз ўз сиёсий-ижтимоий йўлини топиб, ойдинлаштириб олмоқда.

Р. М. ҲОЖИБОЕВ: — Ҳақиқатдан ҳам фаоллар партия ташкилотларимизнинг етакчи кучига айланмоқда. 5-ҳудудий бошланғич партия ташкилотимиз бошқа ҳудудлардагига нисбатан энг кам, 67 аъзога эга. Шундай бўлса-да, улар Ўзбекистон ХДПси Низомида қайд этилганидек, сайлов жараёнида партия номзодларини қонунда белгиланган тартибда халқ томонидан қўллаб-қувватланишига ва сайланишига эришишга интилдилар. Натижа ёмон бўлмади. Партиямиз умуман халқ сайловида синовдан ўтди. Бу билан чинакам халқ партияси эканлигини амалда намойиш этди.

Мураккаб иқтисодий жараённи бошдан кечираётган халқимизни келажакка ишонч ва умид руҳида тарбиялашда Азиз Каримов, Баҳром Тўраҳонов каби бошланғич партия ташкилотларимизнинг котиблари ҳамда фаолларимиз ибрат кўрсатмоқдалар. Улар хусусан аҳолининг кам даромадли қисмини купон билан таъминлашда мавзе ва маҳалла комитетлари аъзоларига яқиндан кўмаклашдилар. Ҳар бир аъзомиз улардан ибрат олиб, ижтимоий-иқтисодий тангликни ишбилармонлик, чидам ва матонат билан енгиш чораларини кўришаяпти. Аҳолини ҳам шундай иш тутишга даъват этишаяпти.

Ё. М. СОДИҚОВ: — Районда энг йирик ҳудудий бошланғич партия ташкилоти бўлганлигимиз туфайли аъзоларимиз сафи 350 нафардан кўпроқни ташкил этади. Улар ҳозирча иккита бошланғич партия ташкилотига бирлашиб турибдилар. Ҳудудий бошланғич партия ташкилотимизга Шарқ илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 2-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Совпластитал», Деҳқончилик саноатини таъмирлаш корхонаси кабиларда фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДПси аъзоларидан ўзлари ишлаётган корхоналарда цех ёки бошланғич партия ташкилотлари тузиш ҳақида илтимосномалар тушди.

Ўзбекисон ХДПси Низомида «Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларини тузиши, ўз йиғилишининг қарорига мувофиқ уларга партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин», дейилган. Ана шунга биноан ихтиёримиздаги иккала бошланғич партия ташкилотимизда ҳам бугун-эрта Ўзбекистон ХДПси аъзоларининг илтимосномалари кўриб чиқилади ва ижобий ҳал этилишига эришилади. Бу билан ҳудудимизда партия ташкилий ишларини олиб боришда яна бир қулайлик яратилади. Ахрор Акбаров, Дмитрий Веняминович Кузнецов ўртоқлар котиблик қилаётган ҳозирги йирик бошланғич партия ташкилотларида иш услубининг шаклланиши осонлашади. Чунки, ҳозирги вазиятда уларнинг қадами партиянинг ҳар бир аъзосига етиб бориши мушкул.

Э. Р. САМИҒЖОНОВ: —Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойида ҳудудий бошланғич ташкилотлар партиянинг негизи, деб қабул қилинди. Биз шунга биноан дастлаб ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини ташкил этишга интилдик. Уларнинг котибларини алоҳида хона, телефон билан таъминладик. Бошқа ишлардан озод этиб, котиблиги учун партия маблағидан ҳар бирига алоҳида маош белгиладик.

Тўғри, ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котибларининг, Ўзбекистон ХДПси район ташкилоти кенгашидаги икки нафар йўриқчининг қадами партиянинг ҳар бир аъзосига етиб бориши қийин. Шунинг учун Низомга мувофиқ йирик бошланғич партия ташкилотлари ўз негизида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларини тузишлари мумкин. Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ички турмушларига доир масалаларни мустақил ҳал қиладилар. Масалан, 1-ҳудудий бошланғич партия ташкилоти негизида 6-шаҳар шифохонаси бошланғич партия ташкилоти ташкил топди. Георгий Григоревич Кошковский котиблик қилаётган бошланғич партия ташкилоти эса, 4-ҳудудий бошланғич партия ташкилоти замирида вужудга келди. Партиявий-ташкилий ишни жадаллаштириш учун Низом доирасида ҳаракат қилавериш керак.

1992 йилнинг дастлабки ойи қанчалик оғир ўтаётганини, қиш нақадар қийин кечаётганини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз. Янги партиянинг аъзолари ёхуд раҳбарлари бўлганимиз учун ҳам биз халқ хўжалигининг барча тармоқларида йилнинг 1-чораги натижаларига масъулиятни зиммамиздан соқит қила олмаймиз. Акс ҳолда, биз халқнинг шу кунлардаги ташвишларидан ва унинг ўзидан узоқлашиб қоламиз. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун район кенгаши депутати бўлган 41 нафар Ўзбекистон ХДПси аъзосидан иборат гуруҳ тузганмиз. Депутатлар гуруҳимиз ва партиянинг барча аъзолари ҳозирги кунда бутун ташкилий-тарбиявий ишлар йўналишини жойларда зарур меҳнат маромини давом эттиришга, меҳнаткашларга етарли иш шароитлари яратишга, қиш қаҳрини сабот билан енгишга, тушкунликка берилмасликка қаратмоқдамиз. Ишонаманки, Ўзбекистон ХДПсининг районимиздаги аъзолари мустақил Республикамизнинг барча жойидагидек бу юмушларни партиявий собитқадамлик, маънавий қатъиятлик билан уддалайдилар.

Давра суҳбатини
Худойназар ҒОЙИБОВ
ёзиб олди.



Пушкин кўчасидаги баланд қаватли бино ёнида махсус қурилиш объекти қад кўтармоқда.

Андрей Пишненко сурати.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни лойиҳаси—муҳокамада

МУСТАҚИЛЛИК САБОҒИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида таълим тўғрисидаги қонун пишитилиши зарурлиги айтилди. Бунда жон бор. Ҳали унга кўпгина аниқликлар киритиш даркор.

Ушбу қонун лойиҳаси VI бўлим, 43 моддадан иборат бўлиб, таълим-тарбиянинг қонунлари, вазифалари, принциплари, кафолатлари, ваколатлари ва таълим тили каби муҳим масалаларни ўз ичига олади. Лойиҳада айниқса мактабда ва уй шароитида умумий ўрта таълим олиш, уй тарбияси ва мактаб, мактабдан ташқари таълим ва тарбия, шунингдек маориф ходимларининг ҳуқуқлари, уларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари ва имтиёзлари каби таълим системаси ва таълим жараёнларига катта аҳамият берилиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган.

Шунингдек қонун лойиҳасида ўқитувчиларнинг ишлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг санаторий-курортларда даволашга ва дам олишини таъминлаш масаласининг ҳам кўрилиши айни муддаодир. Айниқса педагогларга нафақа ёши умумий иш стажи 20 йилдан кам бўлмаган тақдирда аёллар учун — 50 ёш, эркаклар учун — 55 ёш қилиб белгиланиши дилимиздаги гап бўлди.

Бинобарин, ҳозирги нафақа ёшидаги аёл ва эркак ўқитувчиларнинг аксарияти ошқозон, юрак, қон босими, бод касалликларига чалинганидан шикоят қилишади. Нега? Чунки бола-чақа, тирикчилик ғами деб ортиқча дарс соатлари олишади. Томорқага қараш, мол боқиш билан шуғулланиб саломатликларига зарар етказадилар.

Лойиҳанинг 27-моддасида узлуксиз ўн йил ва ундан ортиқ педагогик ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлган ходимларга таълим муассасалари низомида белгилаб берилган тартибда муддати бир йилга қадар меҳнат таътили берилиши мумкин ўрнига **«Узлуксиз ўн йил ва ундан ортиқ педагогик иш стажига эга бўлган умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларига йиллик ўртача маоши сақланган ҳолда бир йил муддатга меҳнат таътили берилсин»** дейилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

30-моддада ота-оналарнинг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари аниқ ва муфассал ўз аксини топган. Жумладан, унда «Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) фарзандларини тарбиялаш, таълим бериш ва тўлақонли камол топишларини таъминлашлари» кераклиги қайд этилган. Бизнингча, шу жумла **«Ота-оналар [улар ўрнини босувчи шахслар] фарзандларини тарбиялаш, таълим бериш ва тўлақонли камол топишларини таъминлашга мажбурлар»** жумласи билан almаштирилса маъқул бўларди. Чунки баъзи ота-оналар фарзандлари таълим-тарбиясига аҳамият бермайдилар.

29-моддадаа маориф ходимларининг қандай хизматлари учун рағбатлантирилиши кўрсатиб ўтилган. Бу кишини қувонтиради, албатта. Аммо унда аниқлик йўқ.

Биз миллий мактаблар очиш тарафдоримиз. «Одобнома» дарси 5-синфдан бошлаб ўтилишини истардик.

22-моддада ходимлар масаласи кўтарилган. Ваҳоланки, мактаб директорлари, илмий мудирлари ва ўқитувчилар малака курсларида таҳсил олиб мактаб дастурига ҳеч қандай янгилик киритмайдилар. Бунинг устига ортиқча харажатларни айтмайсизми! **Шунинг учун раҳбар ходимларга масалан, мактабда директорнинг раҳбарлик роли, Абдулла Авлонийнинг педагогик мероси, Навоий асарларида таълим-тарбия каби мавзуларда мустақил иш берилиб, ўз фанларидан имтиҳон олинса таълим-тарбияга ёрдами теккан бўларди.**

Янги Қонун лойиҳасининг 3-ва 14-моддаларида «Таълим тизимида пуллик ва уй шароитида таълим беришни йўлга қўйиш керак» дейилган. Биз ҳам шунинг тарафдоримиз. Ҳозир замон олдинга интилмоқда. Фанда мўъжизалар яратилмоқда. Инқилобдан олдин ҳам баъзи ота-оналар ўз фарзандларини алоҳида тарбиячига берганлар. Ҳозир ҳам мактаб ёшидаги болаларини махсус фанлардан билим олишлари учун малакали ўқитувчилар ёки репititорларга бериб ўқитаётганликлари сир эмас. Ҳаёт ва жамият шуни талаб этаётган экан, буни қонунлаштириш керак.

Мустақил жумҳурият ҳукумати томонидан ўқитувчиларни аттестациядан ўтказиш ҳақида махсус Низом бўлиши лозим. Бунга ўтган йилги навбатдан ташқари ўтказилган аттестация натижалари гувоҳлик беради. Аттестациядан ўтказганда ўқитувчининг билими ва савияси, маданиятлилиги, унинг ташаббускорлиги ҳамда илмий ва ижодий фаолияти ҳам ҳисобга олиниши керак!

Бизнингча, умумий ўрта маълумот олиш шарт эмас. Ўрта мактабда иқтидорли ёшларнигина ўқитиш керак. Ўқишга қизиқмайдиган ёшларни мажбуран ўқитишнинг давлатга ҳам, мактабга ҳам фойдаси йўқ. Бунинг ўрнига уларга онлада, маҳаллада ва иш жойларида касб-ҳунар эгаллашлари учун шароит яратиб бериш даркор.

Асомиддин ЗИЯМУҲАМЕДОВ,
Ҳамза район халқ таълими бўлими мудири.

Қидирбой ТУЛАБОЕВ,
меҳнат фахрийси.

Мукамбар АЗИМОВА,
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси методисти.

Мушоҳада қилиб кўриш учун дастлаб рақамларга мурожаат этайлик. Шаҳримиз бўйича 192 та автобус маршрути бўлиб, ушбу йўналишларда бир кунда ўртача 1470 га яқин машиналар қатнайди. Бунга қўшимча йирик саноат корхоналари ва ташкилотларининг ишчи-хизматчиларини ташиш учун 65 та махсус йўналишли автобуслар ҳаракати ташкил этилган. Бу миқдор кўпми, камми? Очиғини айтиш керак, агар кўрсатилган рақамдаги машиналарнинг ҳайдовчилари белгиланган вақтларга аниқ риоя қилиб ишласалар, транспорт қатнови шаҳримизда ҳозиргидан ўн чандон яхши йўлга қўйилган бўлиши табиий эди.

Фикримизни исботлаш учун эрталаб соат 9.00 да Юнусободнинг 15-мавзесига — яъни 91, 67-автобуслар ва 42-маршрутли таксиларнинг сўнгги бекатига келдик. Унча катта бўлмаган айланиш жойида машиналар тиқилиб кетган. Уларнинг сонини санаймиз. Биргина 91-автобусдан 5 таси қатор тизилиб турибди. 42-маршрутли таксидан 7 таси «қантариб» қўйилган. Бекатда эса тумонат одам. Йўловчилар манзилга ошиқишади. Бир-бирларидан соат неча бўлганини сўрашади. Ёш болали аёллар эса қиш аёзидан жунжиккан кичкинтойларига тасалли беришади.

— Нечанчи автобусни кутяяпсизлар? — сўраймиз йўловчилардан.

— «91» ни.

— Қанчадан бери юрмайди?

— Ярим соатдан ошди.

— Наҳот шунча турган автобусдан биронтаси юрмаса? — таажжуб билан сўраймиз.

— Бу ерга биринчи марта келишингизми дейман, — дейди улардан бири. — Ҳар куни эрталаб соат 9 дан кейин аҳвол мана шу. Автобуслар келаверади. Кўргазмага қўйилгандек сафда тураверади. Кейин бирдан тушликка жўнашади.

Ичкаридан узун бўйли, қоматдор ҳайдовчи чиқиши билан йўловчилар унинг орқасидан эргашишди.

—Наригиси юради. Мен тушликка чиқаяпман, — дейди у одамларни чалғитиб.

Йўловчилар гуриллаб кўрсатилган автобус эшиклари олдидан навбат олишади. Афсуски, униси ҳам тушликка чиқадиган бўлибди. Учинчи, тўртинчи хуллас бешинчи автобуслар ҳам бир йўла тушликка жўнашди.

Зиналардан кўтарилиб навбатчи ҳузурига йўл олдик. Ўрта ёшлардаги рус аёли бизга таажжуб билан қарайди.

— Бировга осон тутишга ўрганиб қолгансизларда, — дейди у. — Ахир ҳайдовчи бечоралар эрталаб соат 5 дан йўлга чиқишади. Уларнинг ҳам қорни борку.

Навбатчининг бу гапини биз ҳам тасдиқладик. Аммо бир йўла 5 та автобусни тушликка чиқиб кетиши бизни қизиқтираётганини айтганимизда, у пинагини бузмай:

— Ҳозир 42-маршрутли такси жўнайди. У билан «Университетгача бориб олишларингиз мумкин. У ёғи қулай. Трамвай, автобус, такси дегандек...

Йўловчилар саволларига жавоб бераверіб пишиб кетган навбатчи сал бўлмаса бизга борадиган жойимизни ҳам кўрсатиб қўядиган. У билан гаплашиш бефойда чиқди. Навбатчи бизнинг ҳақли талабларимизга мутлақо риоя қилмади. На исми-фамилиясини айтди, на саф тортиб тушликка кетган 5 та автобус ҳайдовчиларнинг номларини.

Ҳонадан чиқсак бекатда биронта ҳам 42-маршрутли такси қолмабди. Улар «қулай» вақтдан фойдаланиб жуфтакни ростлаб қолишибди. Бекатда эса ўша-ўша тумонат одам.

Пиёда юриб 60 ва 82-маршрут бўйлаб қатнайдиган автобуслер бекатига етиб келдик. Кўп ўтмай пешонасига 82 рақами битилган «62-08 ТНЛ» машинаси келиб тўхтади. Салонга ур-йиқит билан аранг чиқиб олдик. Ушбу машина ҳайдовчисининг қилиғи ҳаммасидан ошиб тушди. У автобус ўта тиқин бўлишига қарамай ҳар бекатда йўловчиларни олдинги эшикдан тушишга мажбур этарди. Хотин-халаж, болачақа, бақириқ-чақириқларига ҳайдовчи мутлақо эътибор бермас, фақат ўзиникини маъқуллаб тураверарди. Бундай тартиб қайдан келди ўзи? Нега ҳамма олдинги эшикдан тушишга мажбур? Ахир уч-тўрт киши чипта олмаса бир салон йўловчини айбдор қилиш ёки «таъзирини бериш» инсофданми?

Утган йили Рига шаҳрига бордик. Очиғи у ердаги тартибни кўриб ҳавасимиз келди. Автобуслар қатнови жойида. Бекатларда ҳамма эшиклар баравар очилади. Лекин йўловчиларнинг ўзлари орқа эшикдан чиқиб, олдингисидан тушишга одатланишган. Чипта олмаслик гуноҳ. Ҳар бир йўловчи машинага чиқиши билан биринчи навбатда чипта олишга ҳаракат қилади. Бу қонда барчага баравар. Уни ҳеч ким «эсидан чиқармайди» ҳам, «хаёл суриб қолмайди» ҳам.

Шу ўринда диққатингизни ушбу мактубга тортмоқчимиз.

— Мен Тошкент қурилиш ва меъморчилик олийгоҳининг кечки бўлимида таҳсил оламан. Кундузи эса ишлайман, — деб ёзади «оқшом»хон Нодира Нурмуҳамедова. — Яқинда эрталаб «7 — тезюрар» автобусни салкам 40 минут кутиб ишга кечикдим. Умуман шаҳар транспорти қатнови қачон яхши йўлга қўйилади! Автобус қатновидан кимга оғиз очсанг ҳамма ундан беҳуда шикоят қилмайдику ахир. Кўплаб ҳайдовчиларнинг белгиланган соатларга риоя қилмай автобусларни ўнгга ва чапга хизмат қилдиришини шундан ҳам билса бўлади.

Муштарийнинг бу гапига биз ҳам қўшилгимиз келади. Агар шундай бўлмаса муҳарририятга қўйидаги мазмундаги хатлар келмаган бўларди. Улардан баъзи сатрларни келтирамиз.

«Биз бир гуруҳ меҳнат фахрийлари 35, 46, 53-автобуслар қатновидан норозимиз».

«62, 90 номерли автобусларнинг ўз йўналишида қатнашидан кўра тўй-тўйларга «ҳолис» хизмат қилаётганини кўплаб учратасиз».

— «Қурилишда ишлайман. Мени таажжубга солдиган нарса шундан иборатки, нега баъзи автобусларнинг ҳайдовчилари йўловчиларни фақат олдинги эшикдан туширишга ҳаракат қилишадию, улардан кира ҳақи талаб қилиб, аммо ҳеч кимга чипта беришмайди. Бу нима! Ўта ҳалолликми ёки давлат пулининг бир қисмини «туя» қилишми!

Энди мана бу мактубга эътибор беринг.

— «Ҳурматли муҳарририят, илгари «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун» деган шиор бўларда. Назаримда бу шиор ҳозирги даврда ўз таъсирини бутунлай йўқотган кўринади. Нега дейсизми! Мана эшитинг. Юнусобод даҳаси билан Қорасув даҳаси оралиғида 112-маршрут бўйлаб «Икарус» автобуслари бинойидек қатнаб турарди. Бундан йўловчилар ҳам хурсанд эдилар. Нима бўлиб ўтган йилнинг август ойларидан бошлаб бу йўналишда автобус ўрнига бир эшикли 49 такси машиналари қатнови йўлга қўйилдию иш чаппасига айланди. Олдин бу ҳолис хизматдан хурсанд бўлган бўлсакда, кейин эса... Эндиликда бу микроавтобусларни кутиб овора бўлмайдиган бўлиб қолдик. Чунки уларнинг қораси кўринадию бекатда тўхтамай ўтиб кетишаверади. Йўловчилар бир-бирларига ҳайрон бўлганларича тикилиб туришаверади.

Албатта биз бу ўринда ҳайдовчиларни айбламоқчи эмасмиз. Ҳамма гап иккита катта даҳа оралиғи ҳамда бир неча йирик мавзе ва маҳаллалар орқали ўтадиган бу маршрутга ўйламай-нетмай бир эшикли кичик микроавтобуслар қатновини лозим топган акахонларимизда. Ваҳоланки, бу кичик автобуслар икки-уч бекатнинг ўзидаёқ йўловчилар билан лиқ тўлади.

Устига устак бу маршрут 3-автокорхона маъмурияти назоратидан четда қолган кўринади. Бундан фойдаланган ҳайдовчилар йўл кирага 40 тийин олиб, 20 тийинлик чипта беришади.

Бизнинг фикримизча юқоридаги маршрутда яна автобус қатновини тикламоқ даркор. Кўпчилик аҳоли номидан айтилган фикримиз инобатга олинар деб ўйлаймиз».

Дилбар ПУЛАТОВА,
жами 12 имзо.

Ҳар қалай бизда ишонч деган нарса бор. Ишонувчанлик бор. Шундай экан келгусига яхши ният, тетик руҳ билан қадагимиз келади. Бугунги баъзи бир ижир-чижир гапларни бозор иқтисодиёти арафасидаги англашилмовчиликлар дегимиз келади. Ҳамма нарса шу жумладан, автобус қатновидаги муаммолар ҳам тўғри изга тушиб кетишига умидвормиз. Зеро, шундай экан ушбу мақоламизни ҳам умидбахш руҳдаги мана бу хат билан тугаллагимиз келди.

«Биз «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида яшовчилар 58-маршрут бўйлаб қатновчи 12-автопарк ҳайдовчиси Комил Жўраев хизматидан мамнунмиз, — деб ёзади аҳоли номидан Иємат Ирисбоев. —У «Инқилоб ҳиёбони»дан — Сергели даҳасигача борадиган йўловчиларни зериктирмай манзилига етказиб қўяди.

Дастлаб йўловчиларга ўзини таништиради, уларга Оқ йўл тилайди. Ҳар бекатнинг номини айтади. Кексаларга жой беришни ёшлардан илтимос қилади. Ва иноят ҳар бекатда йўловчилар чиқиб тушиши қулай бўлсин учун барча эшикларни очади.»

Қани энди барча ҳайдовчилар ҳам шундай бўлса. Улар ҳақида ҳам муҳарририятимиз кўплаб мақтов мактубларини олса.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Шаҳар транспорти муаммолари

ЙЎЛ АЗОБИДАН ҚАЧОН ҚУТИЛАМИЗ?

ХАЙРИЯ ЁРДАМИ КЕЛДИ

Тошкентта болалар даволаш-профилактика муассасалари учун асосан тиббий дори-дармондан иборат хайрия ёрдами келди, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири. У қизил крест ва қизил ярим ой жамиятлари уюшмасининг Япония қизил крести маблағи асосида ташкил этилди. Бу дори-дармонларни Республикамизга жўнатишда Голландиянинг қизил крести ҳам қатнашди.

Буларнинг ҳаммаси қизил крест ва қизил ярим ой жамиятлари ташкил этган Оролбўйи аҳолисига ёрдам кўрсатиш комиссияси иши натижасидир. Шу комиссиянинг ташаббуси билан уюшмага минтақадаги шундай ёрдамга муҳтож болалар муассасалари сони олдиндан маълум қилинган эди.

Луқма

НОЎРИН ОГОҲЛАНТИРИШ

Хизмат юзасидан Янгийўлга кетаётган эдим. Кўчада танишим билан учрашиб қолдим.

— Транспортнинг маъқули — бу метро. Ҳаш-паш дегунча хоҳлаган бекатингга элтиб қўяди. Аммо...

— Нима, метронинг бирор нарсаси ёқмайдими?

— Ҳар бир станциянинг номи айтилади. Бу яхши. Бироқ охирги станцияга етиб келингач, ўзбек ва рус тилларида: «Собир Раҳимов ёки Максим Горький номли станцияси, охирги станция, илтимос вагонларни бўшатинглар» деб икки марта такрорланиши жуда эриш туюлади-да.

Дарҳақиқат унинг гапида жон бор. Аҳамият қилмас эканмиз. Ахир йўловчи охирги станцияга етиб келганидан сўнг радио орқали эшитти--рилаётган таклифни кутмасданоқ ўзи ҳам тушиб кетади-ку!

Ўйлаб турсам ҳар куни метронинг у бошидан бу бошигача бориб келаверар эканмизку, бироқ одамнинг ғашига тегадиган ана шу таклифни ниҳоятда қўпол эканлигига аҳамият бермас эканмиз. Ўша таклиф айтилмаса ҳам илмли, саводли, маданиятли халқимиз охирги станцияга етиб келганини билиб вагонда ўтиравермаса керак. Ўйлаб кўрилса шу таклифнинг мутлақо кераги йўқ. Тошкент метрополитенидаги ўртоқлар бучга нима дейишаркин? Келинглар, йўловчиларни ранжитмасдан ҳурматимизни ўрнига қўяйлик.

Тожибой УНАБОЕВ.
жамоатчи мухбир.



Чилонзор районида яхши бир удум бор. У ҳам бўлса кўплаб ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида йигит ва қизларга турли соҳалар бўйича ҳунар ўргатишдир. Натижада бу район ёшлари мактабни тугалламасданоқ бир касб эгаси бўлиб етишишади.

СУРАТДА: ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг токарлик участкасида.

Рустам Шарипов сурати.

Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

Янги йилнинг дастлабки куни эрталаб икки дўст бекатда учрашиб қолишди.

— «Кўз остимга олиб юрган қизга янги йил кечасида албатта, ёриламан», дегандинг. Қалай ваъдангни устидан чиқдингми?

— Йўқ.

— Вей, қанақа йигитсан ўзи. Тенгларинг аллақачон уйланиб бўлишган бўлса-ю, сен нимани кутаяпсан, ахир?!

— Автобусни...

* * *

Фридрих БОЛГЕР

ҲАҚИҚИЙ ЭР КЕРАК

(Кичик ҳикоя)

УЛАР бир-бирларини бир неча йиллардан буён билишарди. Аммо ҳеч қачон сўзлашмаганди. Кутилмаганда у қизга уйланишга қарор қилганлигини айтди. Қайси бир қиз турмушга чиқишни орзу қилмайди дейсиз... Аммо томдан тараша тушгандай қилинган бу таклифдан қиз довдираб қолди. Йигит қизнинг бу ҳолатини ўзича розилик аломати деб тушундида, қизга сўзлай кетди:

— Агар менга турмушга чиқсангиз, ҳеч уй юмушларини бажармайсиз. Мен сизни кўз қорачиғимдай асрайман. Маликалардай шоҳона ҳаёт кечирасиз. Гилам тозалашми, овқат тайёрлашми, уйларни йиғиштиришми, қўйингки ҳамма-ҳамма юмушларни ўзим бажараман.

— Нега энди фақат ўзингиз, ахир уй юмушларини бирга бажарамиз. Маликалардай шоҳона ҳаёт кечириш... Ахир қайси бир қизга бундай ҳаёт ёқмайди дейсиз? Аммо ҳеч нарса қилмай яшаш, йўқ, бу менинг мижозимга тўғри келмайди. Мен уй юмушларини ҳар доим бажариб ўрганганман. Ахир мен аёлман-ку! Ҳамма аёллар сингари уй бекаси бўлишни хоҳлайман.

— Йўқ, йўқ, азизим! Ахир бу сизга оғир! Менга турмушга чиқсангиз, албатта уй юмушларини ўзим бажараман.

— Йўқ, ахир бу эркакларнинг иши эмас-ку!

— Эркакларнинг иши эмас деганингиз нимаси! Ахир биз тенг ҳуқуқлимиз-ку! Аёллар корхоналарда эрлари билан елкама-елка туриб хизмат қилишаяпти. Кир ювиш, албатта сизга оғир. Чиройли қўлчаларингизни асраяпман.

Шу сўзларни айтгач, йигит қизнинг нозик қўлларидан ўпди:

— Овқат пишириш ҳам қўлимдан келади. Бу ишдан сизни озод қиламан, чунки ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўтаётганимда ошпазлик қилганман.

Қиз жимгина ойнадан сукунатга чўмган тун бағрига тикилиб турарди. Тўлин ой қизга жилмайгандай бўлдида, булутлар ортига яширинди.

— Жонгинам, — деди қиз қатъий. — Бунақаси кетмайди. Биз бир-биримизга тўғри келмас эканмиз. Мен аёлман. Мени ҳимоя қила оладиган қалқон, ҳақиқий эр керак. Бу борада бир оз тенг ҳуқуқли бўлмасам ҳам бўлаверади.

Немисчадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.

ХАНДАЛАР

— Энг кўп кечга қоладиган поездни биласизми? — сўради Ғуломжон отасидан.

— Йўқ, — деди отаси елка қисиб.

— Бу Сизнинг менга бултурги янги йилда ваъда қилган поездингиз.

* * *

— Ойи, Муҳиддин мени «энг ақлли қиз — сен», деб роса мақтади. Уни янги йил базмимизга таклиф қилсамми, дегандим...

— Асло бундай қила кўрма! Яхшиси, келгуси йилда ҳам у сен ҳақингда шундай фикрда юраверсин...

* * *

— Янги йилда хотинингга нима совға қилмоқчисан?

— Рўмол олсамми, деб ўйлаяпман.

— Нима-а? Совға биронбир эсдалик нарса бўлиши кераклигини билмайсанми?

— Ҳа, сен ҳақсан... Демак унга бувимнинг рўмолини совға қиламан.

Худойназар ЖУМАНАЗАРОВ тайёрлаган.



Шундай шароитда кулаётганлар...

Равиль Альбеков сурати.

ФУТБОЛЧИ КУНДАЛИГИДАН

Душанба. Ҳинд рақси назариясини ўргандик. Кейин «городки» ўйнадик. Мен биттагина отганимнинг ўзида «қиқиччбақа»ни сидириб ташладим. Мана, ҳозир ҳеч ким йўқ. Катта тренеримиз йигитлар билан базага, эгаржабдуқ олиб келгани кетган. Эртага от миниб, чавандозликдан машқ бошлаймиз. Чавандозликдан бехабар футболчидан ёмони йўқ.

Сешанба. Эрталаб от миниб юрдик. Менинг ишим ёмон бўлмади, тажрибам борлиги билинди (болалигимда ҳайвонот боғида пони миниб юрардим), Пўлатнинг эса омади келмади. Эгар отнинг қорнига тушиб кетди-да, Пўлат ерга гумбирлаб тушиб, оёғини чиқариб олди. Энди унинг формага тушишига анча вақт керак бўлади. Чавандозликдан кейин бильярдда ташашдик. Мен яхши ўйнайман, тренеримиз мендан хурсанд. Футбол ўйнашдан олдин, бильярдда зўр ўйнайдиган бўлиш керак, дейди у. Бильярд кўзда чамалашни ривожлантиради, бундан ташқари кишининг кўзи яшил рангга ўргана боради, бильярд столига қопланган яшил мовут эса футбол майдонига ўхшаб кетади.

Чоршанба. Мисрдаги мўмиёланган мурдалар ҳақида лекция эшитдик. Тушдан кейин самбо инструктори келди. Кириш курси назариясидан ўқиб берди. Футболчи самбони яхши билиб олиши керак, дейди; кейинчалик, ўйин пайтида жуда асқотиб қолармиш. Шунақанги қўпол командалар бор эмишки, самбони билмай туриб, улар билан ўйнамай қўя қолган яхшимиш.

Кечқурун қарта ўйнадик. Мен қаторасига ўн етти марта ютдим, олти марта Анварвойга «погон» осиб қўйдим.

Пайшанба. Тирга бориб милтиқ отишдан машқ қилдик, тушдан кейин стендда тарелкачаларни мўлжаллаб роса ўқ уздик. Тренеримизнинг стендда отишдан биринчи разряди борлигини шу бугун билибман. Мен ҳар қалай ёмон отмайман, лекин тренеримиз яхши марказий форвард бўламан десанг, кечаю кундуз тирдан чиқмаслигинг керак, дейдилар. «Нишонга текказишни билсанг — дарвозани ҳам нишонга ола биласан», — деб такрор-такрор айтишни яхши кўрадилар улар. Кечқурун Валихон Азизхоновнинг хулқини муҳокама қилдик. У сафсатага тушиб кетди: «Футбол ўйнай билиш учун, футбол ўйнаш керак», — дейди нуқул. Уни оғоҳлантириб қўйдик: умумий спорт тайёргарликнинг қадрига етмаслигини қўймаса, уни командадан чиқариб юборадиган бўлдик.

Жума. Най чалиш назариясини ўргандик. Бир қараганда, футболчига найнинг нима кераги бор? Лекин калтафаҳм одамларгина шундай дейиши мумкин. Тренеримиз тушунтириб бердилар: най чалиш назариясини ўзлаштириб олсак, судьялар ҳуштагининг энг нозик товушларини сезиб оладиган бўламиз, чунки судьялар ҳуштаги билан найнинг анчагина умумийлик томонлари бор... Судьялар ҳуштагининг нозик товушларидан судьянинг кайфиятини билиб олса бўлади, бунинг эса биринчи даражали аҳамияти бор.

Тушдан кейин бокс тренери келди-да, уч ярим соат бокс тушдик. Бокс нималигини билмаган футболчи футболчи эмас. Майдонда гоҳо шундай бўладики, боксни билмасанг, бошқа ҳеч иложинг қолмайди! Бундан ташқари тренеримиз такрорлашни яхши кўрадиган гап ҳам бор: «Қўлинг билан зарба беришни билсанг — оёқ билан ҳам зарба бераоласан». Мен тўзук бокс тушяпман, лекин Толибнинг омади келмади. Пешонасидаги ғурраси чунонам каттаки, кўзларигача юмилиб кетган — энди у бирон ҳафтасиз формага киролмайди.

Кечқурун эндигина қарта бошлаган эдик, тренеримиз келиб қолиб, роса уялтирди. Сизлар нима, деди у, «Б» классмисизки, пирра ўйнасангиз, сиз «А» класс командасисиз, шунинг учун преферансни ўзлаштириб олишингиз керак.

Шанба. Сув полоси ўйнадик. Қарийб футбол деса ҳам бўлади уни. Дарвозаси ҳам, дарвозабони ҳам, тўпи ҳам бор. Биз ўйинни қаттиқ атакадан бошладик. Ютишимиз аниқ эдику, лекин кимдир бизнинг дарвозабонимиз ғойиб бўлганига эътибор бериб қолди. Маълум бўлишича, у чўкиб кетибди: сузишни билмас экан, айтгани уялибди. Уни қирғоққа чиқариб, зўрға ўзига келтирдик. Шу баҳона бўлдию тренеримиз футболчи учун сув спортининг аҳамияти ҳақида лекция ўқиб берди.

Кечқурун келаси ҳафта машғулотлари жадвалини кўздан кечирдим. Қарасам, трамплиндан сувга сакрашдан ташқари, вишкадан, ҳафта охирида эса ҳатто самолётдан парашютда сакраш планлаштириб қўйилибди. Парашютда сакрашни билмаган киши яхши футболчи бўла олмайди.

Якшанба. Телевизорда бразилияликларни томоша қилдим. Ана ўйинну мана ўйин! Наҳотки шунақанги футбол ўйнашни ўрганса бўларкин! Тренеримиз бўлади, дейдилар.

Бразилияликлар ўйинини томоша қилиб бўлганимиздан кейин, тренеримиз машқларимизга албатта шахмат ўйинини киритишга қарор берди. Ҳар куни уч соатдан, шахматдан ақалли иккинчи разряди бўлмаган футболчи яхши футболчи бўла олмайди.

Пўлат СУЛТОНОВ.

ТИШ ОҒРИҒИНИНГ ДОРИСИ

ТЎЙГА борган эдик. Ғайратий домла билан ёнма-ён ўлтирган эдим. Тўй эндигина бошланаётганида Раҳмат Файзий хонадон эгасини табрикладилар-да, хайрлашиб жўнай бошлади. У киши бизнинг ёнимиздан ўтаётганларида Ғайратий домла тўхтатдилар:

— Ҳа, Раҳматжон, дарров кетдингиз? — дедилар.

— Тишим қаттиқ оғрияпти, — дедилар Раҳмат ака. — Тезроқ уйга етиб олиб дори-дармон қилмасам бўлмайди.

— Ия, дориси шу ерда-ку, — дедилар домла аракқа ишора қилиб.

Мен у кишининг гапларини «таҳрир» қилдим:

— Йўқ, домла, — дедим. — Бу ердаги «дори» фақат ясама тишга фойда қилади. Раҳмат аканинг тишлари ўзларини.

— Бормисиз, Азиз, — дедилар Раҳмат ака хандон кулиб. — Шу гапингиздан тишимнинг ярим оғриғи кетди. Хайр, омон бўлинглар!

ТАСАЛЛИ

ОЗАР шоири Наримон Ҳасанзода билан бирга ўқиб, дўстлашиб қолганман. Ўша талабалик вақтларидаёқ буйрагининг оғриб туришидан шикоят қилиб юрар эди.

— Худо шоирларнинг ўзини, феъли-атворини ғайритабиий қилиб яратган десам, ички аъзоларини ҳам чалакам-чатти ясаган экан, — деб қолди бир куни. — Масалан, Бахтиёр Ваҳобзоданинг юраги ўнг томонида, Али Каримнинг буйраги учта, меники битта.

Мен унга тасалли берган бўлдим:

— Битта буйрагим йўқ деб хафа бўлма, Наримон, — дедим. — Бизларда ҳатто ўпкаси йўқ шоирлар ҳам бор.

«ДАВЛАТЛИ СУЛТОН»

МУЛЛА Тўйчи Тошмуҳамедовни халқимиз Тўйчи ота, Тўйчи ҳофиз деб тилга олади. У киши ёшлигидаёқ донг қозониб, номи тўрт тарафга ёйилган экан. Таърифи Бухоро амирининг қулоғига ҳам етиб борганидан бир куни у ҳофизни ўз саройига, базмга таклиф этибди. Тўйчи ота борсалар, у кишидан бошқа яна қанчаданқанча хонандалар ҳам тўпланишган экан. Улар навбатма-навбат ўртага туриб, хониш қилишибди. Ҳар бир хонанда бир-икки жуфт қўшиқ айтганидан кейин амирнинг имоси билан унга соврин берилар экан. Шундан кейин хонанда даврадан чиқиб кетаверар экан. Навбат Тўйчи отага келганида амир мулозимларга ҳеч қандай имо қилмабди, соврин берилмабди. Ота ашулаларини давом эттираберибди. Ниҳоят қўшиқ айтишдан чарчаб, ҳолсизланишига бир баҳя қолган Тўйчи ота Фузулийнинг ғазалини бошлабдилар-да, амирга юзма-юз туриб олиб: «Раҳм қил давлатли султоним, мурувват чоғидир», — деган сатрни қайта-қайта такрорлайверибдилар. Амир у кишининг аҳволига тушуниб, бир жилмайибди-да, дарров имо қилиб юборибди. Ҳофизнинг кифтига заррин тўн ташлаб, даврадан чиқарибдилар. Эртасига у киши Тошкентга жўнаётганида амирнинг икки нафар одами бир товоқ тилла танга ҳам келтириб беришибди. «Сизга амиримиздан инъом», дейишибди.

НИМАНИ ТАЛАШАМИЗ?

ҲАБИБ Саъдулла ҳикоя қилади: «Наманган ҳақиқати» рўзномасида ишлар эдим. Бир куни тушлик танаффусда ҳамма кетиб, ўзим ёлғиз қолдим. Бир мақола тайёрлаётган эдим, охирига етказиб қўяй деб ўтирсам, Соли Отажон кириб қолди.

— Тушликка бормаймизми? — деди.

— Мана шуни тугатиб қўяй, озгина қолди, — дедим.

— Бўлмаса ишингни битириб, кабобхонага боравер — деди Соли ака. — Мен жигар кабоб буюриб тураман.

Шундай деб, мендан битта сигарета олди-ю чиқиб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, ходимларимиздан биттаси югуриб кириб:

— Соли ака бандаликни бажо келтирди, — деди, — Кабобхонага кирди-ю ўзини ташлаб юборди.

Кабобхонага югурдим. Бориб қарасам, Соли ака ўртада қулочини икки томонга ёйганича чўзилиб ётибди. Ўнг қўлидаги икки бармоғи орасида ҳали мендан олган сигаретаси тутаб ётибди. Қаранг, лоақал охирги сигаретани ҳам чекиб улгурмабди, бечора. Бизлар нимани талашамиз?..

ҚИЙҚИМ ҲАНГОМАЛАР

ҚАДАҲҒА ПАШША ТУШГАНДА

МИХАИЛ Светлов домламиз бир зиёфатда ўлтирганида олдидаги қадаҳга пашша тушибди. Ёнидаги шоирдан қадаҳни олиб, тўкиб ташлай деб турганида Михаил Аркадьевич уни тўхтатибди.

— Жойига қўй қадаҳни, — дебди. — Буни ичса бўлади.

— Нега, ичимлик қаҳат эмаску? — дебди шоирд.

— Сен «Зубровка» ичганмисан? — деб сўрабди домла.

— Ҳа, ичганман.

— «Перцовка» ичганмисан?

— Ичганман.

— «Вишнёвка» ичганмисан?

— Ичганман.

— Мана бу «Муховка» бўлади — дебди домламиз қадаҳни ютиб.

БИЛЬЯРДХОНАДА

ДЎРМОНДА аҳён-аҳёнда билярд ўйнаб турар эдик. Маълумки, тўрга тушадиган соққаларнинг «свой», «чужой» деган номлари бор. Шайхзода домламиз уларни ўзбекчалаштириб, «ўзалоқ», «ўзгалоқ» дердилар. Бир маҳал узоқдаги соққага қўл етиши қийин бўлгани учун бильярд столига бағир билан ётиб олиб урдилар-да:

— Мана буни «ёталоқ» деймизда, — дедилар.

Биз ҳурмат юзасидан қондага хилоф «ёталоқ» усулига эътироз билдирмадик.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

БИРИ БЎЛМАСА, БОШҚАСИ-ДА

Иш вақти тугагач Абдунаби билан Зоҳир ишхонадан олдинма-кейин чиқишди.

— Шифокорларга ҳам қойил қолмадим, — сўз бошлади Абдунаби.

— Нега? — ажабланди Зоҳир.

— Уларда қатъий қонда, умумий усул йўқ экан.

— Қайси маънода?

— Касалларга дори-дармон ёзиш бўйича-да.

— Нега ундай дейсан, умумий қонда бор. Масалан, ярани ювишга — фурацелин, иситма чиққанда — сульфадемизин, томоқ оғриганда — левомецитин ишлатилади.

— Бу айтганларингни фақат шифокорлар эмас, деярли ҳамма билади. Ғап шундаки, яқинда юрагим санчиб, ҳатто икки курак орасига оғриқ берди. Тезроқ тузала қолай деб, учта шифокорга мурожаат қилсам, тўрттадан ўн иккита ҳар хил дори ёзиб беришди.

— Шунга ҳам ҳайрон бўлдингми, дориларнинг бири фойда бермаса, бошқаси тўғри келади-да.

— Бўлмаса, ишингни бутунлай ташлаб, ётиб даволан, — деди Зоҳир.

— Ҳа, ишсиз ётсам, ҳеч ким ёрдам бермаса, ҳеч ким ёрдам бермаса, ҳеч ким ёрдам бермаса, — деб такрорлаб, ўзини ўнглаб олиб, — Ҳеч ким ёрдам бермаса, ишсиз ётсам, ҳеч ким ёрдам бермаса, ишсиз ётсам, ҳеч ким ёрдам бермаса, ишсиз ётсам,

Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳида бугун барчани ташвишлантираётган экология муаммолари гиёҳвандлик, СПИД иллатлари хусусида суҳбатлар ўтказилди. Турли кўргазмалар ташкил этилди.

СУРАТДА: талабалар Алишер Раҳматов, Оҳун Исмоилов, Қурбон Матмуродов ва Валижон Бакировлар кўргазмалар залида шу мавзулар юзасидан фикрлашишмоқда.

Равиль Альбеков сурати.

Кўча тасодифларга тўла

БАҒРИТОШЛИК



Агар кўчада кетаётганимизда бевосита бахтсиз ҳодисага учраган одамни кўрсак ғайриихтиёрий равишда ёрдамга шошиламиз.

Ички ишлар ходими бўлганлигим учун гапни айлантирмай очиғини айтиб қўяқолай, ҳатто жиноятчини қўлга олаётган пайтда унга шикаст етиб, тан жароҳати олса, аввал уни даволаб сўнгра жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноятчи ким бўлишидан қатъий назар авваламбор инсон. Шунинг учун унга ёрдам берилади. Лекин мен тўхтамоқчи бўлаётган мавзу, бу инсон қиёфасида автомашина бошқариб юрган айрим бағритош ҳамшаҳарларимиз ҳақида.

1991 йил мобайнида Тошкент шаҳрида 3071 марта йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди. Ана шу воқеаларнинг 729 таси айни ўша «айрим ҳамшаҳарларимизнинг» бевосита иштирокида юз берди, яъни фалокат юз берган жойда жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига, ҳайдовчилар жўфтакни ростлаб қолганлар. Йилдан-йилга бундай кўнгилсиз ҳодисалар кўпайиб бораётганлиги сабабли ўтган йили шаҳар ДАН бошқармаси қошида милиция майори Р. Даминов бошчилигида қидирув бўлими ташкил қилинди. «Жўжани кузда санайдилар», деганларидек, бўлимнинг иш фаолиятини йиллик натижаларга қараб баҳолайдиган бўлсак, 1990 йилда жами «қочоқ» ҳайдовчиларнинг 41,9 фоизи топилган бўлса, ўтган 1991 йили бу кўрсаткич 67,1 фоизга етди. Яъни 489 та инсонийлик қиёфасини йўқотган ҳайдовчилар қидириб топилди.

Йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан қочиб қолишнинг энг аянчли оқибатларидан бири шуки, ўз вақтида тиббий ёрдам берилса яшаши мумкин бўлган ҳолда, инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишидир. 1991 йил давомида ҳайдовчиларнинг бағритошлиги ва жоҳиллиги 53 оилага аза, ғам-андуҳ олиб кирди. Қидирув бўлими ходимларининг қатъий хатти-ҳаракатлари туфайли 31 ҳодиса ўз хотимасини топди. Қолган 22 таси эса ҳали муаллақ.

Шу ерда кишини бир нарса ўйга толдиради. Ҳайдовчи жиноят содир этиб яширинди. Уни қидириб топиш ДАН ходимларининг вазифаси. Бу тўғри, бироқ азиз ҳамшаҳарлар, сизларнинг ёрдамингизсиз ДАН ходимларининг ўзлари ҳамма ишни ҳам охирига етказа олмайдилар. Бундай бахтсиз ҳодиса эса ҳар биримиз билан содир бўлиши мумкин. Ҳатто, шундай аянчли иш содир қилиб, айни кунларда яшириниб юрганларнинг ўзлари ва яқинлари билан ҳам.

Биз қанчалик бир-биримизни меҳр-муҳаббат, одамийликка чорлаганимиз билан, ҳаммани бир хил қилиб бўлмайди. Бахтсиз ҳодиса содир бўлгач, кимдир қўрқиб кетганидан, кимдир ваҳима босиб, яна кимдир атайлаб қочиб қолади. Мана булар эса ўтган йили декабрь ойининг иккинчи ярмида юз берган ҳодисалардан мисоллар:

15 декабрь куни соат 15 дан 30 дақиқа ўтганда Энгельс ва Шаҳристон кўчалари кесишган жойда номаълум ҳайдовчи бошқарган автомашина пиёдани босиб, жабрланувчига ёрдам бермай қочиб қолган. Бу ҳодиса жамоат транспорти воситаларининг бекати ёнгинасида юз берганига қарамасдан, ўша ердагиларнинг ҳеч қайсиси воқеани содир этган автомашинанинг давлат рақамини кўриб, эслаб қолмаган. Жабрланувчи эса ўша жойнинг ўзида жон берган.

17 декабрь куни соат 18 дан 15 дақиқа ўтганида Халқлар дўстлиги ва Наққошлик кўчалари чорраҳасида номаълум автомашина 21 ёшли Исмоиловни уриб юборади, ҳайдовчи жабрланувчини ўз машинасига ўтказиб 16-шифохонага олиб боради, у ердан эса ўзининг кимлигини аён қилмай жўфтакни ростлаб қолади.

24 декабрь куни соат 17 да Тансиқбоев ва Пограничний кўчалари чорраҳасида номаълум автомашина 22 ёшли Қ. Шамсиевни уриб кетганича ҳамон дараги йўқ. Яна шу куни Тошкент ҳалқа йўлида 1-Қорасув даҳаси рўпарасида 51 ёшли О. Гисбитовни ҳам номаълум автомашина уриб юбориб ғойиб бўлган. 25 декабрдаги ҳодиса ҳам шу тарзда якунланган. Унда Ҳ. Умаров ва У. Носир кўчалари чорраҳасида машина Р. Кончинивите ва О. Неглядани туртиб кетган.

26 декабрдаги ҳодиса юзасидан эса сал кенгроқ тўхталсак бўлади. Беруний ва Ҳувайдо кўчалари чорраҳасида онаси билан кетаётган 6 ёшли Л. Фуфаевни юк автомашинаси босиб кетади, бу даҳшатли фалокатдан ўзини йўқотиб қўйган она на машинани, на унинг давлат рақамини эслаб қолади. Воқеа содир бўлган жойда кўринишидан талабага ўхшаган 3 та қиз ҳам бўлган. Умидимиз қизлардан. Бу ҳодиса юзасидан балки улар кенгроқ маълумотга эгадирлар. Ҳозирча эса қизчанинг ўлимига сабабчи бўлган бу аянчли ҳодиса ҳам очилмай турибди.

Юқорида келтирилган ҳодисаларнинг барчаси юзасидан айни кунларда қидирув ишлари давом эттирилаяпти. Бироқ юқорида айтганимдек, бу каби жиноятларнинг очилишида сиз азиз ҳамшаҳарларимизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз. Агар бевосита шу каби ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб қолсангиз, эринмасдан бизга қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилиб хабар беришингизни сўраймиз. 02, 32-11-66, 56-56-07, 56-99-85. Гувоҳ бўлгач сарсон бўлиб қоламан деб асло чўчиманг, бизга фақат сизнинг қўнғироғингизнинг ўзи етади. Қолгани эса бизга ҳавола.

Сайфиддин АКБАРОВ,
Тошкент шаҳар ДАН бошқармасининг жиноий қидирув бўлими бошлиғининг муовини, милиция капитани.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Қиш илҳоми

ДИЛЛАР ҚОРДЕК ОҚ ЭДИ...

Қишда жонимиз киради: гупиллаган танчада мазза қилиб ўтирамиз. Кўрпани тепкилаб, сандалнинг кулини тўзғитиб ўйнаймиз. Ҳуштакчи шамоллар ғўзапоя ғарамлари орасига яшириниб олади. Қор ёғадими, ёмғирми — бизга барибир.

Омонатгина эшик тирқишларидан капалак қор ўйнаб-ўйнаб кавушчаларимга қўнади. Қизил ипакдан попукча тикилган кавушчаларим қорга тўлади. Онам мол-ҳолдан хабар олгани чиққанларида уйга ғўриллаб шамол бостириб киради. Чит камзулчамга ўраниб, сандали кодогига ичкарироқ суриламан.

Онам қўлларига «ҳу — ҳу»лаб уйга кирадилар. Совчиликка борадиган кеча бўлди-да, деб қўядилар.

Оқлик ёғди, қут ёғди, деб сўйланадилар. Бузоқчани уй тўрига олиб ўтиб, эски тўнларига ўраб қўядилар. Кўзлари катта-катта бузоқча иссиқда мудрайди. Тумшуқчаларини ялаб, тамшаниб қўяди.

Қўчқорбойнинг хотини қорхат ёзади энди, дейдилар. Оппоққина, қошлари-кўзлари қалам билан чизилгандай Мукаррам опа қорхат ёзишга уста. Ораларидан гап ўтиб қолган қўшниси борми, бирор явиғи борми, қорхат ёзиб, ярашиб олади.

Эрталаблари, остонада туриб ташқарига тикиламан: ўҳу, дунёни қор босибди-ку! Эшик олдида қўйилган челакда қор нишолдадай кўпириб ётади. Онам унга тегманглар, деб тайинлайдилар. Қор эриб, тип-тиниқ сувга айланади. Кейин онажоним сочимни ювадилар, узу-ун бўлади!

Тизза бўйи қорга қараб кўзларим қамашиб кетади. Оқ пояндозда югургим келади: оёқланг ҳовлига чиқаман. Икки қўлимни тўлдириб, қор оламан-да каппалаб, ейман...

Молхона тарафдан онамнинг қойинганларини эшитаман:

— Ҳай бачам, уйга кир, кўкйўтал бўласан.

Изиллаб, лабларим кўкариб, гупиллаб турган сандали кодогига ўзимни ураман. Ҳу-у-ув!

Сандали қўрига кўмилган чойдиш биқир-биқир қайнайди. Бузоқча кўзларини жавдиратиб маърайди. Онам ҳовлида. Ёғоч курак билан қорни икки ёққа сурадилар. Музлаган ариқчадан теша билан обгир очадилар. Обгирнинг «тишлари» биллурдай яракланб, муз тагида милдир-милдир кўм-кўк сув оқади.

Энди обгирдан сув оламан, деб турсалар, Мукаррам опанинг хушрўйгина қизи Муҳаррама чопқиллаб келади:

— Хола, хола, — дейди у, — сизга почтачи ташлаб кетувди!

Онам ҳар кун хат кутадилар. Акамдан. Шу илинжда хатни олиб келиб, опамга тутказадилар.

— Онажон-ей, бунча соддасиз! Бу қорхат-ку! Ким олиб келди?

— Ҳа, ануви ўртоғинг борку, Мукаррама, ўшанинг қизи, — дейдилар онам бўшашиб.

Қорхат берганни ушлаш марраси — етти қадам. Муҳаррама эса қуён бўлиб кетади. Қорхат беришнинг пири! Аллақачон иккинчи хатни эгасига етказиб, жўфтакни ростлаб қолгандир!

Шундай қилиб, онам қорхатни олиб, опамни битта зиёфатга туширдилар. Бу тарақлаган яхмалакда меҳмоннавозлик ҳам қийин-да.

— Қиш ўчоғи тор,
Югур, уйингга бор, —
деб қўядилар онам.

Аслида қорхат опамнинг ҳам ўзига ёққан. Чунки, болалар сабаб уларнинг ораларидан оламушук ўтиб қолган эди. Ана энди денг, зиёфатни катта қилиб, Бибиражаб опам дугоналарини кутардилар.

Қўй сўйилади. Икки қайвони биби ўчоқ бошида танда қурадилар. Онам билан учовлон минг турфа мақол-матал айтишиб, дошқозонга ўт ёқадилар. Роби холаю Сарвар хола қўш чилдирмани ўтга тоблаб, жаранглатиб доира чертишади.

Мукаррама опа дугоналарини бошлаб келади. Ҳеч нарса бўлмагандай, аразлашганлар муччилашиб кўришадилар. Ўйин-кулгу, тонготар ҳангома. Гапгаштакнинг оловида диллар яйрайди. Бири-бирини мақтаб, одобу эҳтиром сақлаб, кўнгиллар ойнадай яракланб, суҳбат қизийди.

Бир қозонда калла шўрва биқирлайди. Бир қозонда тухум-барак пишади. Тандирдан офтобдай қип-қизил патир узилади. Онам патирларнинг юзига сув уриб, тандир кафтига ёзилган дастурхонга ўраб қўядилар. Сув урмаса, патир хафа бўларкан: сувсаб, тандирдан қизиб чиқувдим, бир кафт сув бермади бахил, дер экан!

Калла шўрванинг суви билан патир одамга сарёғдай ёқади.

Меҳмонхонада қўр тўкиб, гурунглашиб ўтиришган поччам, Қўчқор тоға ва Ражаб тоғаларга насибанинг аввалини тортадилар онам. Эркак киши уйнинг баракаси бўлади, дейдилар. Ичкарида суҳбат қиёмига етади. Ташқарида қор элаб-элаб ёғади. Дарахтлар гулдастадай оппоқ. Ўнинчи чироқнинг мойи ҳам тугаб қолай, дейди. Бизлар сандали кодогларида думалаб ухлаб қоламиз. Меҳмонлар бирин-сирин тарқаб кетишганини ҳам билмаймиз.

Эрталаб тўрғайдак чулдураб уйғонаман. Дунё беғубор. Томларда қор. Пойгакларда қор. Кавушчалар қор. Лекин дилда бир ҳарорат, илиқлик бор. Онам иссиққина ширчой олиб кирадилар. Қотган нонлардан тўғрайдилар. Бобожон, Рамазон, Қаҳрамон, Ҳамзаполвон ва мен баррачадай тизилиб ўтирамиз.

Дарвозахонадан овоз эшитилади:

— Холамулло, ҳой холамулло!

— Эби, ким бўлди бу изғиринда? Яна қорхатми? — дейдилар онам.

Кавушчалари билан қорда дикирлаб, икки юзлари қизариб Муҳаррама кўринади. Қўлида сопол коса.

Палла олиб келибди. Вуй! Мазза! Тўппасини кесиб-кесиб, нон устига қўйиб уни онам ҳаммамизга бўлиб берадилар. Сувини галма-галдан бир ҳўплам-бир ҳўплам симирамиз.

— Қор ёғдирган худойимдан айланай. Дилдаги гина-кудуратни ҳам ювиб юборади. Кўнглимнинг тагидан бўлди-да! Яраш-яраш бўлди, — дейдилар онам.

Қорхат ёзиб, кўмилган йўлларни очган қишлоқдошларимни биринчи қор ёққан куни эслайман.

Изғириқ сўзлардан, тош қотган дийдалардан, зарда ва кесатиқлардан музлай бошлаган юрагимга ҳарорат инади.

Осмон — яқин, ер юмшоқ бўлади.

Биринчи қорнинг майин ва бахмал нафасларини тинглайман.

Онамнинг енгил қадамлари қор салтанатида гирчиллайди.

Қизғиш шол рўмолларининг гуллари аввал капалакка, сўнг қор учқунларига айланиб дераза ойнасига қўна бошлайди.

Муздай дераза ойнасига юзларимни босаман. Темир қобиргали бинонинг тўқ қизинчи томи ҳам, олаговур шаҳар ҳам эсимдан чиқади... Оёқланг бўлганча болалик сўқмоқларига чопқиллаб кетаман.

Ойдин ҲОЖИЕВА.

Ҳар тўғрида

СЎНГГИ ЎТТИЗ ЙИЛ ИЧИДА...

⊙ ТОКИО. Яхши овқатланиш, анъанавий балиқ-сабзавот парҳез таомларидан чекиниш ҳамда илм, фан-техника инқилоби японларнинг қаддиқомати ва ташқи қиёфасига сезиларли таъсир қилмоқда. Маориф вазирлиги ўтказган тадқиқот натижалари эълон қилинди. Ана шу тадқиқот натижалари сўнгги 30 йил ичида япон болалари бўйи жуда ўсиб, вазни оғирлашганидан ва... кўриш қобилияти сусайганлигидан далолат бермоқда.

Тадқиқот муаллифлари мактаб ўқувчиларини ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказиш маълумотларини умумлаштириб, ҳозирги 14 яшар ўғил болалар 1961 йилдаги шу ёшдаги болалардан 9,3 сантиметр, қизлар эса 5,5 сантиметр новчароқ деган хулосага келдилар. Уларнинг вазни ҳам анча оғирлашган —17 яшар йигитлар ўттиз йил олдингига нисбатан ўртача 5,9 килограмм оғирроқ. «Нозик япон қизлари» образи аста-секин йўқ бўлиб бормоқда, чунки 11 яшар қизалоқ вазни шу ёшдаги олдинги қизлардан ўртача 6,5 килограмм оғир бўлиб қолд».

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

23 ЯНВАРЬ СОАТ 18.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОҚИРОВГА БАҒИШЛАНГАН

ХОТИРА КЕЧАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ

КЕЧАДА Мустақил Давлатларнинг машҳур санъат арбоблари.
Ўзбекистон Жумҳуриятининг санъат усталари.
Ўзбек эстрадасининг ветеранлари.
Давлат хизмат кўрсатган «ЯЛЛА» гуруҳи.
Б. ЗОКИРОВ номли эстрада конкурси совриндорлари ИШТИРОК ЭТИШАДИ.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1—2 ФЕВРАЛЬ СОАТ 14.00 ВА 18.00 ДА
Ўзбекистон «ЁШЛАР УИИ» ва Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг «ТОШКЕНТ» студияси

ЖУМҲУРИЯТ ЁШ ҚУШИҚЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ

«КАМОЛОТ-91»

ҚУРИК — ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИНИ ЎТКАЗАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ориҳмирзо САФАРОВ — олий мукофот соҳиби.
Илҳомжон ИБРОҲИМОВ — I ўрин соҳиби.
Дилфуза ЗОКИРОВА — II ўрин соҳибаси.
Равшан КОМИЛОВ — III ўрин соҳиби.
Валижон ҚОДИРОВ — III ўрин соҳиби.
«НАФОСАТ — 90» кўригининг ғолибаси.
ШАҲНОЗА ФОЗИЛЖОНОВА

Чипталар соат 11.00 дан бошлаб сарой кассаларида сотилмоқда.
Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда. Телефон: 45-92-13.

«Юбилей» марказий спорт саройида

25, 26 ЯНВАРЬ СОАТ 15 ВА 17.00 да
Болалар, ўсмирлар, ёшлар ва кексалар учун

КАТТА ШОУ-КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:
«ОСИЁ ОВОЗИ — 90» халқаро кўригининг олий мукофот совриндори
«ҚАРС» ГУРУҲИ
МУЗ УСТИДА УЧИШ УСТАЛАРИ
«ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ» РАҚС ДАСТУРИ
АСКИЯ УСТАЛАРИ
«БЕК» ГУРУҲИ
ЦИРК САНЪАТИ УСТАЛАРИ
ШОҲРУХ, МОҲИНУР
ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
ШАҲБОЗ НИЗОМИТДИНОВЛАР.
«ЁШЛИК»
ЎЗБЕК КУЙ ВА ҚУШИҚ ДАСТУРИ
КАТТА КОНЦЕРТИМИЗГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!
Чипталар Спорт саройи кассаларида ва «Пахтакор», «Октябрь инқилоби» метро станцияларида сотилади.
Касса ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.
МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: КАССА — 46-03-12, 46-03-31; маъмурият — 46-07-53.

«ҲАМКОРЛИК» биржаси

Ташкилотлар, корхоналар, хусусий шахсларни ҲАМКОРЛИК» биржасининг телевидение билан ҳамкорликда **25 ЯНВАРДА** ўтказиладиган очиқ кимошди савдосида иштирок этишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси биржа тажрибасида

ИЛК БОР

«ҲАМКОРЛИК» БИРЖАСИ

ТЕЛЕВИЗИОН КИМОШДИ САВДОСИНИ ўтказади

Сизларга халқ истеъмоли моллари (кийим-кечак, пойабзал, эсдалик совғалари, тикув машиналари, маиший техника), уй-жой, бинокорлик материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳоказоларни нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ўзингизга фойдали равишда сотиш ва харид қилиш имкони берилади.

Кириш чиптасининг баҳоси 500 сўм (нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан).

Кимошди савдоси соат 10 да бошланади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 16-а, метронинг «Ойбек» бекати, телефон — 56-49-51. Кимошди савдоси соат 10.00 да бошланади.

КИМОШДИ САВДОГА ШОШИЛИНГ!!!

ТЕАТР

22 ЯНВАРДА

Тошсовет — «ШАОЛИНЬ ҚАСРИ» (тоқ соатларда).
Ёшлик — «ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ» (жуфт соатларда).
А. Навоий номидаги санъат саройи — «КИШАН ВА КАНҲАЯ» (17.00, 20.00). «Кислота» (19.00).
Дўстлик — «ЎЛИМ МИКРОБИ» (ҳар соатда).
Москва — «КЕНГ ЖАҲОНДАГИ ЎЧ» (тоқ соатлар, 20.40).
Фурқат — «СЕВГИ, СЕВГИ, СЕВГИ» (17.00, 20.00).
Шарқ — «АМЕРИКА БУРГУТИ» (тоқ соатларда, 20.30).

23 ЯНВАРДА

Фурқат — «СЕВГИ, СЕВГИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).
Шарқ — «АМЕРИКА БУРГУТИ» (тоқ соатларда, 20.30).
Тошсовет — «ШАОЛИНЬ ҚАСРИ» (тоқ соатларда).
Ёшлик — «ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ» (жуфт соатларда).
А. Навоий номидаги Санъат саройи — «КИШАН ВА КАНҲАЯ» (11.00, 14.00 17.00, 20.00). «КИСЛОТА» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00).
Дўстлик — «ЎЛИМ МИКРОБИ» (ҳар соатда).
Москва — «КЕНГ ЖАҲОНДАГИ ЎЧ» (тоқ соатларда, 20.40).

ДИҚҚАТ!

«ШАРҚ» жамоа корхонаси сифатида қайта ташкил этилиши муносабати билан

ДОЗ—ТНБ ИЖАРАЧИ КОРХОНАСИ

1992 ЙИЛ 1 ЯНВАРДА ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Мўйноқ кўчаси, 241-уй.

Бектемир райони Бинокор посёлкасидаги қурилиш конструкциялари комбинатининг ўйқолган **702335-рақамли думалоқ канцелярия муҳри БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Узбекгидрогеология» ишлаб-чиқариш бирлашмаси бирлашманинг етакчи геофизиги М. М. Шагаевга онаси **Салима ЗАЙНУТДИНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

⊙ 49.000 нусхада чоп этилади ⊙ Нашр нўрсаткичи 64690. ⊙ Буюртма № 13 ⊙ Босмага бериш вақти 11.30. ⊙ Босмага берилди 11.40. ⊙ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10